



Фаластин — Гарбий Осиёдаги тарихий вилоят (кад. яхудийча пелиштим — «филистинликлар» сўзидан олинган). Ўрта денгизнинг шаркий соҳилида жойлашган. Майд. 26 минг кв. км. Фаластиннинг асосий қисми Исроил билан Иорданияга қарашли. Мил. ав. 5—4 минг йилликда Фаластинга сомий қабилалари кириб келган. Мил. ав. 3—2 минг йилликда Фаластинда ханаанейларнинг илк шаҳардавлатлари пайдо бўлган (мил. ав. 2 минг йилликда Фаластин ва Финикия ҳудуди Ханаан деб аталган). Мил. ав. 16 — 13-а. ларда Фаластин Миср тасарруфида бўлган. Мил. ав. 13-а. охирида Фаластинда филистимликларнинг ҳукмронлиги ўрнатилган. Ўша вақтдаёқ мамлакатнинг аксарият қисми мил. ав. 11-а. да ташкил бўлган Исроил яхудий подшолиги ҳудудида истикомат қилувчи қабилалар томонидан забт этилган. Довуд ва Сулаймон подшолар даврида Исроил қудрати авжига чиққан. Тахм. 935 й. да бу давлат иккита подшолик — Исроил ва Иудея (Якудия)га бўлинган. Мил. ав. 8-а. охирида Фаластиннинг шим. ҳудуди — Исроил подшолиги Оссурия томонидан босиб олинган. Жан. Фаластин (Иудея подшолиги)ни мил. ав. 6-а. да бобилликлар, сўнгра ахоманийлар, мил. ав. 4-а. да македониялик Александр ўзларига бўйсундирганлар. Мил. ав. 3—2-а. ларда Фаластин Птолемейлар (Миср) билан Салавкийлар ўртасида талаш бўлган. Фаластин мил. 1-а. да (63 й.) римликлар томонидан босиб олинган. Лекин фақат Иудея урушлари (66—73 й. лар) ва Бар Кохба кўзғолони (132 — 135) бостирилганидан сўнггина Фаластин Рим империясининг вилоятига айланган.

Мил. 1-а. да Фаластинда христиан дини пайдо бўлган. 395 й. да Фаластин Византия ихтиёрига ўтган. 640 й. Ф. араблар томонидан босиб олиниб, араб халифалиги таркибига кирган. Аббосийлар даврида Фаластинда иккита тизими жорий қилинган, аҳолини ислом динига қиритиш жараёни авж олган, христианларнинг ҳуқуқий мақоми қучсизланган. Бу бир қатор халқ кўзғолонлари, жумладан, 842 й. Абу Харба бошчилигидаги ғалаёнга сабаб бўлди. Аббосийлар халифалиги парчаланганидан сўнг Фаластин астасекин тулунийлар, ихшидийлар сулолалари ҳукмронлиги остига ўтган. 9—11-а. ларда Фаластинда иқтисодий юксалиш юз берган, катта ер майдонларига ишлов берилган. Иудаизм, христиан ва исломнинг диний маркази Қуддусда 11-а. да 40 минг аҳоли яшаган. Акка, Кесария, Аскалон, Газода савдо ривожланган. 1099 й. салибчшгар Қуддусни эгаллаб, уни Қуддус қироллигининг марказига айлантирганлар.

1187 й. Хаттин якинидаги жангда Салохиддин салибчиларни енгиб, Куддусни кўлга киритган. Фаластин айюбийлар, кейинрок мамлуклар томонидан Мисрга кўшиб олинган. Фаластин 1516 й. гача уларнинг кўлида бўлиб, сўнг турклар тасарруфига ўтган. Усмонли турк империясининг 17-а. охиридан таназзулга юз тутиши билан турк хукмдорларининг ўзбошимчалиги кучайган. Солиқдар ошган. Натижада Фаластин иктисодий тушкунликка учраган. 19-а. нинг 20-й. ларида Фаластинда туркларга карши халк харакати кучайган. 1832 й. Ф. Миср пошоси МухаммадАли томонидан забт этилган. Хокимиятнинг марказлашуви, зодагонлар зулмининг чекланиши Фаластинни иктисодий ривожланишига туртки бўлган. Аммо солиқларнинг кўпайиши, харбий мажбуриятнинг жорий килиниши аҳоли ўртасида кўзголонга олиб келган (1834). Ливан ва Сурия халкининг Миср хукмронлигига карши 1840—41 й. лардаги курашини Фаластин халки кўллаб-куватлагани бахонасида Фаластинда турк хукмронлиги тикланган. 19-а. нинг 40-й. ларидан бошлаб Европа давлатлари Фаластинга кириб кела бошладилар. 1869 й. Сувайш каналининг очилиши билан Фаластиннинг стратегик ва иктисодий ахамияти янада кучайди. 1892 й. француз компанияси Фаластинда биринчи Яффа — Куддус т. й. ни курган. 19-а. охиридан бошлаб Европа мамлакатларидаги яхудий аҳолининг Фаластинга кўчиши бошланган. 1-жахон уруши йилларида Ф. Германия, Туркия ҳамда инглиз кўшинлари ўртасидаги кураш майдонига айланган. Бу ракобат Ф. ни инглизлар томонидан забт этилиши бн якунланди. 1916 й. СайксПико шартномасига биноан, Фаластинда халқаро режим жорий килиниши лозим бўлган. Фаластинда ўз мавқеини мустахкамлаш мақсадида инглизлар Европа мамлакатларида 19-а. нинг 90-й. ларида пайдо бўлган реакцион (тескаричи) — миллатчи харакатнинг кўринишларидан бири бўлган сионизмдан фойдаланганлар. Сионистлар Фаластинда яхудийлар давлатини тузишни талаб килганлар. 1917 й. 2 нояб. да Англия ҳукумати Бальфур декларациясини эълон килиб, Фаластинда «яхудий халқи учун миллий маскан» тузишни ваъда килган. 1920 й. апр. да СанРемо ш. (Италия)да Англия Фаластин устидан инглиз мандатини жорий этишга муяссар бўлган. Англия Фаластиннинг иктисодий ва сиёсий ҳаётида хал қилувчи мавқега эга бўлган, Европа мамлакатларидан кўплаб яхудийларнинг кириб келишига имкон яратган. Сионист ташкилотлар Фаластинда бир нечта концессияларни кўлга киритганлар. Мамлакатдаги бутун ҳокимият инглиз олий комиссари кўлига ўтган. Унинг ҳузурига инглиз амалдорларидан таркиб топган «Фаластин ҳукумати» тузилган. Араб аҳолиси мамлакатни идора қилишга жалб этилмаган. 1920—39 й. ларда инглиз мустамлака сиёсати сионистлар билан ҳамкорлик қилишга асосланган. Сионистлар Англия ёрдамида араб халқозодлик харакатига карши иш кўрганлар. Шу боис Англия араб аҳолисининг кучли норозиликка дуч келган ва натижада унга карши қуролли кўзголонлар кўтарилган. 1936 й. окт. да Пил бошчилигида Фаластинга юборилган комиссия Ф. ни яхудийлар ва араблар яшайдиган қисмларга бўлишни тавсия килган. Бу Ф. даги араб ташкилотлари ва араб мамлакатларининг каттик норозиликни келтириб чиқарган. 1939 й. май ойида инглиз ҳукумати «Ок қитоб» ни эълон қилишга мажбур бўлган. Унга кўра, Англия маъмурияти Фаластинга яхудийларнинг қелишини чеклаши ва кейинчалик тўхтатишга қарор қилгани баён этилган. Бу Англия маъмурияти билан сионистлар ўртасига низо солган. Сионистларни АҚШ кўллаб-куватлаган. 2-жахон урушидан сўнг Фаластин халқдарининг инглиз қарамлигидан халос бўлиш учун кураши кучайган. 1947 й. Англия Фаластин масаласини БМТ муҳокамасига кўйишга мажбур бўлган. 1947 й. 29 нояб. да БМТ Бош Ассамблеяси Британия мандатини бекор қилиш, Фаластиндан инглиз кўшинларини чиқариш ва Фаластинда мустиқ демократик

яхудий ва араб давлатини тузиш хакида карор қабул қилган. Қуддус ш. алоҳида халқаро режимга эга мустақил маъмурий бирликка айланиши лозим бўлган. 1948 й. 14 майда Яҳудий сионистик ташкилотлар Исроил давлати тузилганлигини эълон қилишган. 14 майдан 15 майга ўтар кечаси Англиянинг қутқуси билан 1948—49 й. даги арабисроил уруши бошланган. Араб давлати учун мўлжалланган ҳудуднинг бир қисми ҳамда Қуддус ш. ning ғарбий қисми Исроил томонидан босиб олинган (6,7 минг кв. км). Исроил қўшинлари Фаластин ҳудудидан 900 мингдан зиёд арабларни ҳайдаб чиқарганлар. Шундай қилиб, Исроил Якин Шарк минтақасида қочоқлар муаммосини келтириб чиқарган. Исроил БМТ қарорига мувофиқ, Фаластин араб давлатига ўтиши керак бўлган ҳудуднинг 60% ини босиб олган. Ташкил этилиб улгурмаган мана шу давлатнинг шарқий қисми ва Қуддус (5,5 минг кв. км) Иордания ҳудудига, Газо сектори (258 минг кв. км) Миср назоратига ўтиб қолган. 1949 й. сулҳ шартномаларига биноан, Исроил билан қўшни араб давлатлари ўртасида демаркация чегара қизиги белгиланган. 1964 й. 28 майда Қуддусда қочоқдаги фаластинликларнинг Фаластин Озодлик ташкилоти (ФОТ) тузилган. 1967 й. июнда Исроил — Сурия, Миср ва Иорданияга қарши уруш бошлади. Исроил Синай я. о., Газо сектори, Иордан дарёси ғарбий соҳилидаги ерлар, Қуддус ҳамда Жўлан тепаликларини босиб олган. 1987 й. га келиб Фаластин қочоқларининг сони 2 млн. га яқинлашган. 1988 й. 15 нояб. да Ф. Озодлик ташкилотининг олий органи — Ф. Миллий кенгаши Жазоир ш. да мустақил Фаластин давлати тузилганини эълон қилган. 1989 й. 29 мартда Ф. Озодлик ташкилоти ижроия қўмитаси Ёсир Арафотни Фаластин давлати президенти этиб тайинлаган. 1993 и. сент. да Исроил билан Ф. Озодлик ташкилоти икки томон ўртасидаги муносабатларни йўлга қўйиш тамойиллари тўғрисида декларацияга имзо чекдилар. Бу декларацияга мувофиқ, 1994 й. майда Газо сектори (Газза минтақаси) ва Иерихон ш. атрофи (Иордан дарёсининг ғарбий соҳили)да Муваккат Фаластин мухторияти тузилган. БМТ Хавфсизлик Кенгаши қарорига мувофиқ, Фаластин можаросини узилкесил хал этиш учун ўтиш даври (5 й. гача) белгиланган. 1996 й. янв. да Фаластин қонун чиқарувчи кенгаши сайланган. 1998 й. авг. да ҳукумат тузилган. Исроил Бош вазири А. Шарон ҳукумати даврида Фаластин билан Исроил ўртасидаги таранг муносабатлар авжга чиқди. 2004 й. 22 мартда ХАМАС экстремистик ташкилотининг раҳбари шайх Аҳмад Ёсин ўлдирилди. Натижада Фаластин масаласини х^л қилиш янада мураккаб тую олди. 2004 й. нояб. да Ё. Арафот вафотидан сўнг унинг ўрнига вақтинча Маҳмуд Аббос тайинланди. 2005 й. янв. да Маҳмуд Аббос Ф. Озодлик ташкилоти раислигига сайланди.